

«ВМКВ-AGROMASH» АЖ
акциядорларининг умумий
йиғилиши қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН
2016 йил 28 июнь



«ВМКВ-AGROMASH» АЖ АХБОРОТ СИЁСАТИ ҲАҚИДАГИ НИЗОМИ

МУНДАРИЖА

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР
- II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ
- III. ҚОНУНЧИЛИККА МУВОФИҚ МАЖБУРИЙ ОШКОР ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН АХБОРОТЛАР РЎЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ
- IV. ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ
- V. АЖ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ, ХОДИМЛАРИ БИЛАН МАНФААТДОР ШАХСЛАР ЎРТАСИДА АХБОРОТЛАР БИЛАН АЛМАШИШ ТАРТИБИ
- VI. ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИШ НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
- VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур ахборот сиёсати ҳақидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида” Қонуни ва “Қимматли қоғозлар бозори ҳақида” Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлда 176-сонли рақами остида қабул қилинган “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чоралари ҳақида” ва 2013 йил 31 декабрда 355-сонли рақами остида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши аҳволини баҳолаш тизимини жорий қилиш чоралари ҳақида” қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиши ва чоп этиш қоидалари (2012й. 31.07 к/қ рақами 2383) ва акциядорлик жамияти фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини мукамаллаштириш Комиссияси мажлисининг 2015 йил 31 декабр 9 рақами остидаги баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур низом ошкор бўлиши мажбурий бўлган ахборот ва ҳужжатлар рўйхатини белгилайди ва «ВМКВ-AGROMASH» АЖ (кейинчалик – Жамият) уларни тақдим қилиши тартиби ва муддатини ростлайди.

2. Ахборот сиёсатининг мақсади акциядорлар, сармоядорлар, қимматли қоғозлар бозорининг малакали қатнашчилари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг (кейинчалик – манфаатдор шахслар) жамият ва унинг фаолияти ҳақида ҳаққоний маълумотга бўлган ахборот эhtiёжларини қондириш йўли билан жамият фаолиятининг очиқ-ойдинлиги ва ошқоралигини таъминлашдир.

3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг жамият ва унинг фаолияти ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни олиш бўйича ҳуқуқларини тўла амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, бундай маълумотлар улар учун инвестиция ва бошқарувга оид қарорларни қабул қилишда, жамият ҳақидаги конфиденциал ахборотни ҳимоя қилишда аҳамиятга эгадир.

4. Ахборотни тижорат сири тоифасига киритиш, ундан фойдаланиш шартларининг тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири ҳақида” Қонунига мувофиқ жамият томонидан белгиланади.

II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

5. Ахборот сиёсатининг асосий принциплари – бу мунтазамлик, тезкорлик, ҳаммабоблик, тўлалик, тенг ҳуқуқлик, мувозанатга келтирилганлик, ахборот ресурсларининг ҳимояланганлигидир.

6. Мунтазамлик принципи жамият томонидан манфаатдор шахсларга мунтазам равишда жамият ҳақидаги ахборотни тақдим этиб туришига йўналтирилган.

7. Тезкорлик принципи жамият қисқа вақт ичида манфаатдор шахсларни жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган ва унинг манфаатларига тегишли бўлган муҳим ҳодиса ва фактлар ҳақида хабардор қилишини билдиради.

8. Ахборотнинг ҳаммабоблиги принципи остида жамият ошкор қилинаётган ахборотга нисбатан манфаатдор шахслар учун эркин, очиқ, қийин бўлмаган, тўғридан-тўғри кириш мумкин бўлган ахборотни тарқатиш каналлари ва усулларида фойдаланиши тушунилади.

9. Тўлалик принципи жамият барча манфаатдор шахсларга ўзи ҳақидаги салбий маълумотларни ошкор қилишдан бош тортмай, жамият, жамият фаолияти натижалари ҳақида тўла-тўқис фикрларни шакллантириш учун керакли миқдорда ҳаққоний маълумотни тақдим қилиши демакдир.

10. Тенг ҳуқуқлик принципи жамият барча манфаатдор шахсларга улар жамият фаолияти ҳақида маълумот олишларида тенг ҳуқуқликни таъминлашини билдиради.

11. Мувозанатга келтирилганлик принципи жамиятнинг очиқ ва ошқорлиги ва унинг тижоратга оид манфаатларини таъминлаш ўртасида оқилона мувозанатга риоя қилинишини кўзда тутди. Бунда қуйидаги шартларни бажариш мажбурийдир:

конфиденциал маълумотни ҳимоя қилиш;

қонунчилик ва жамиятнинг ички ҳужжатлари билан ўрнатилган жамиятнинг инсайдер маълумотларни тарқатиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш.

12. Ҳимояланганлик принципи қонунчилик томонидан рухсат этилган тижорат ёки бошқа сир тоифасига кирадиган ёки конфиденциал маълумотни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларидан фойдаланишни кўзда тутди.

III. ҚОНУНЧИЛИККА МУВОФИҚ ОШКОР ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН МАЪЛУМОТЛАР РЎЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

13. Жамият Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида” Қонуни ва “Қимматли қоғозлар бозори ҳақида” Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлда 176-сонли рақами остида қабул қилинган “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чоралари ҳақида” ва 2013 йил 31 декабрда 355-сонли рақами остида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши аҳволини баҳолаш тизимини жорий қилиш чоралари ҳақида” қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиши ва чоп этиш қоидалари (2012й. 31.07 к/қ рақами 2383) ва бошқа қонунчилик актлари билан

белгиланган миқдорда, муддатда ва усулларда ошкор қилиниши керак бўлган маълумотни ошкор қилади.

14. Ошкор қилиниши мажбурий бўлган маълумот қуйидаги манбаларда ошкор қилинади:

Корпоратив ахборотнинг умумий порталида (қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида);

Биржа фондининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz);

Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;

Оммавий ахборот воситаларида.

15. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органининг ёки биржа фондининг расмий веб-сайтида мажбурий ошкор қилиниш керак бўлган хужжатлардаги маълумотларга қуйидагилар киради:

Қимматли қоғозларнинг эмиссия проспекти (қимматли қоғозларни ошқора жойлаштириш холларида);

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жумладан молиявий ҳисоботнинг Халқаро стандартларига мувофиқ тузилган ҳисоботи;

Жамиятнинг биринчи чорак, ярим йиллик ва тўққиз ойлик фаолияти яқунлари бўйича тузилган ҳисобот;

Жамият фаолитидаги айтарли муҳим бўлган факт ҳақидаги маълумот.

Жамият юқорида кўрсатилган маълумотни Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиши ва чоп этиш қоидалари (2012й. 31.07 қ/қ рақами 2383) билан ўрнатилган муддат, тартиб ва шаклда ошкор қилади.

16. Жамиятнинг қимматли қоғозлари биржа фондининг котираш варағига киритилганида ва (ёки) котираш варағида бўлганида Биржа бюллетени Низоми талабларига мувофиқ жамият зарур бўлган маълумотнинг барчасини ошкор қилади.

17. Жамият расмий веб-сайтига (www.agromash.uz) эга ва унда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлда 176-сонли рақами остида қабул қилинган “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чоралари ҳақида” қарори билан белгиланган ахборотлар рўйхатида кўрсатилган маълумотларни ошкор қилишни таъминлайди.

18. Оммавий ахборот воситаларида мажбурий ошкор қилиниши керак бўлган маълумотлар қуйидагилар:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги маълумот;

Жамият жойлашган ер (почта манзили) ва электрон почтаси ўзгарганлиги ҳақида хабарнома;

Акцияларни ёки акцияларга айирбошладиган эмиссион қимматли қоғозларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқга эга бўлган акциядорларга таклифлар;

Жамият томонидан акцияларни сотиб олиш ҳақида маълумот;

Жамият тугатилиши, ҳамда унинг кредиторлари талаблари тартиби ва муддати ҳақидаги маълумот.

IV. ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

19. Жамият расмий веб-сайтни такомиллаштириб боришини таъминлайди ва бунинг учун веб-сайтнинг инглиз тилида ва манфаатдор шахсларга қулай бўлган бошқа тиллардаги версияларини яратади ва уларда мавжуд бўлган барча давлат тилидаги маълумотни тегишли тилга таржима қилиб жойлаштиради.

20. Жамият ўзининг расмий веб-сайтида қуйидаги маълумотларни ошкор қилади:

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш ва уни қўллаш қарорини қабул қилганлиги ҳақидаги маълумот;

Ижроия орган ҳақида, жумладан мазкур жамиятда ишлаш даври ҳақидаги маълумот;

Жамият ижроия органи ва корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг самаралилигини баҳолаш натижалари ҳақидаги маълумот;

Жамият акцияларининг 20 фоизига эгалик қиладиган акциядорлар ҳақида маълумот;

Соф фойданинг таклиф қилинаётган тақсимланиши, дидидендлар миқдорининг, уларнинг жамиятда қабул қилинган дивидендлар сиёсатига мувофиқлигини баҳолашни асосланиши, шунингдек, зарур ҳолларда, соф фойданинг маълум бир қисми жамият ривожланиши эҳтиёжларига йўналтирилган миқдорини тушунтириш ва иқтисодий асослаш;

Жамиятнинг инвестицион лойиҳалар шаклида амалга оширилувчи кенгайтириш, реконструкция ва техник жиҳатдан қайта жиҳозланиш бўйича режаларининг амалга оширилиши ва уларда қутилаётган соф фойдани кўрсатилиши;

Мавжуд бўлишига қараб акцияларнинг котировкаланиши бўйича маълумот, ҳамда фундаментал ва техникавий таҳлил натижалари, мутахассис, экспертлар ва консултантларнинг шарҳлари ва прогнозлари;

Капитал нархининг қиймати мавжуд бўлганида жамият бизнес турлари бўйича кўрсаткичлар қийматини асослаган ҳолда жамият капиталининг ўртача ўлчанган қиймати;

Хомийлик ва беминнат ёрдам бериш ҳақида қарор қабул қилиш, ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби, шартлари, ҳамда амалда кўрсатилган хомийлик ёки беминнат ёрдам ҳақида маълумот.

21. Кузатув кенгаши ва ижроия органига бериладиган мукофот ва бадаллар миқдори ҳақидаги маълумот акциядорларнинг умумий йиғилишида ошкор қилинади ва акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасига киритилади.

22. Жамият жамият ҳақидаги маълумотларни қонунчиликда кўзда тутилган бошқа манбаларда ҳам ошкор қилинишини таъминлайди.

V. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРОИЯ ОРГАНИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ, ХОДИМЛАРИНИНГ МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН АХБОРОТ АЛМАШИНУВИНИНГ ТАРТИБИ

23. Акциядорлик жамияти бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимларининг манфаатдор шахслар билан ахборот алмашинуви учун жамият ўзининг маъсул шахсини тайинлайди, ва мазкур маъсул шахс орқали ахборот алмашинади.

24. Манфаатдор шахсларнинг мазкур низомда кўзда тутилган ахборотни тақдим қилиши ҳақидаги ёзма (электрон) талабномасига мувофиқ, жамиятнинг маъсул ходими, агар қонунчилик томонидан бошқа муддат кўзда тутилган бўлмаса, бир ҳафта ичида зарур бўлган барча маълумотни электрон шаклда тақдим қилади.

25. Агар ҳужжатларнинг нусхасини тақдим қилиш зарурияти бўлган ҳолларда манфаатдор шахс ҳужжатлардан нусха тушириш харажатлари ҳужжатни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ошмаган тўловни амалга оширади.

26. Акциядорлар жамият ва унинг фаолияти ҳақидаги хизмат, тижорат ёки бошқа қонун томонидан ҳимоя қилинадиган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

VI. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

27. Мазкур низомда ва оммавий ахборот воситасида ошкор қилиниши кўзда тутилган ахборотни ошкор қилиш бўйича маъсул шахс сифатида жамиятнинг корпоратив котиби (агар бор бўлса) бўлиши ёки акциядорлар билан корпоратив муносабат бўлимининг махсул ходими, бухгалтер, ҳамда мазкур ваколатлар берилган шахс бўлади. Жамиятижроия органи ва унинг ўринбосарларидан ташқари бошқа шахслар жамият номидан чиқишга ҳақли эмаслар.

28. Ахборотнинг тўлалиги, ҳаққонийлиги ва ўз вақтида ошкора қилинишига Жамиятнинг ижроия органи раҳбари маъсулдир.

29. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳар чоракда ижроия органнинг мазкур Низом талаблари бажарилиши бўйича ҳисоботини тинглаб боради.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

30. Мазкур низомга мувофиқ ошкора қилинаётган ахборотнинг ташкил қилиниши, ҳолати ва ҳаққонийлиги учун маъсулият жамият ижроия органи зиммасига юкланади. Ахборотни ўз вақтида, сифатли, ҳаққоний ва тўла ошкора қилиниши ижроия органи фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш меъзонларининг асосийларидан ва унга мукофотлар (бонуслар) тўлаш шarti ҳисобланади.

31. Мазкур низом талабларига риоя қилмаган шахслар ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

32. Настоящее Положение утверждается решением наблюдательного совета Общества большинством голосов его членов, участвовавших в заседании или принявших участие в заочном голосовании.

33. Мазкур низомга қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш кузатув кенгашининг кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорига мувофиқ амалга оширилади.

34. Агар мазкур низомнинг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Устави билан келишмовчилик муносабатига келиб қолса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва Низомга ўзгаришлар киритилгунга қадар Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва меъёрий актларига амал қилади.

Изоҳ: Низом АЖнинг ахборот сиёсатини акс эттирувчи асосий ҳолатларни ўз ичига олган.